

Мунаввар қабр



08:00 / 03.06.2020 1676

Абу Амр Мустамлий Найсабурийдан ривоят қилинади: «Солиҳ зотлардан бўлмиш Али ибн Салама Каробисий менга шундай деган эди: «Бир куни кечаси тушимда Исҳоқ Ҳанзалийнинг вафот этганини кўрдим. Тушимда ой Исҳоқнинг кўчасидан осмонга кўтарилиб, сўнг яна ерга тушиб, Исҳоқ дафн этилган жойга жойлашган эмиш. Эрталаб унинг вафот этганидан беҳабар қабристонга борсам, гўрковлар Исҳоқ учун қабр қазиётган экан. Не кўз билан кўрайки, қабр тушимда ой ерга тушиб жойлашган жойда эди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан